



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **24** yil « **7** » **fevral**

№ **76**

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини аккредитация қилиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини аккредитация қилиш ҳамда уларнинг фаолият юритиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини аккредитация қилиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини (кейинги ўринларда – хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари) аккредитация қилиш бўйича ваколатли давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби;

хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарининг хорижий ходимларини аккредитация қилиш тартиби;

хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

2. **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги икки ой муддатда:**

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини давлат хизматлари маркази ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аккредитация қилиш, шу жумладан, порталда электрон рақамли имзосиз чет тилида ариза қолдириш имкониятини яратсин;

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарини аккредитация қилганлик учун давлат божи ундириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “7” февралдаги 76-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат  
ташкilotларининг ваколатхоналарини аккредитация қилиш  
ва уларнинг фаолият юритиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкilotларининг ваколатхоналарини аккредитация қилиш ва уларнинг фаолият юритиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий банклар ваколатхоналарини аккредитация қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низом қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аккредитация** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкilotларининг ваколатхоналарини очишга рухсат бериш тартиботи;

**аккредитация гувоҳномаси** – аккредитация қилувчи орган томонидан берилган, ваколатхонанинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

**аккредитация карточкаси** – ваколатхонанинг хорижий ходимиغا расмийлаштириб берилган шахсий аккредитацияни тасдиқловчи ҳужжат;

**аккредитация қилувчи орган** – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;

**ваколатхона** – бош ташкilotи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкilotининг манфаатларини ифодаладиган ва ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинма;

**марказий маълумотлар базаси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базаси;

**хорижий тижорат ташкilotи** – чет давлат қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган, тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳамда чет элда ваколатхона очиш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар, компаниялар, жамиятлар, корпорациялар ва бошқа ташкilotлар.

4. Хорижий тижорат ташкилотлари ўз ваколатхоналарини Ўзбекистон ҳудудида ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида аккредитация гувоҳномаси асосида очадилар.

5. Аккредитация гувоҳномаси ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ расмийлаштирилади (узайтирилади).

6. Аккредитация QR-код (матрик штрихли код) кўйилган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда, давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали аккредитация гувоҳномасини бериш йўли билан амалга оширилади.

7. Ваколатхона юридик шахс ҳисобланмайди, хўжалик ёки тижорат фаолиятини амалга оширмайди.

Хорижий авиакомпаниянинг ваколатхонаси қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

8. Хорижий тижорат ташкилотларини, ваколатхоналарни ва уларнинг ходимларини солиққа тортиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва ҳалқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Аккредитация гувоҳномасини олиш тўғрисидаги аризани  
кўриб чиқиш, гувоҳнома бериш ёки беришни рад этиш  
тўғрисида қарор қабул қилиш**

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ваколатхонасини очишдан (аккредитация муддатини узайтиришдан) манфаатдор бўлган хорижий тижорат ташкилоти давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ушбу Низомга 2-иловадаги паспортга мувофиқ электрон шаклда ариза беради.

10. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари маркази ходими – ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризани электрон шаклда мустақил тўлдиради. Учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда, аризага белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома илова қилинади.

11. Ариза ЯИДХП орқали берилганда, ариза берувчининг электрон рақамли имзоси талаб этилмайди.

12. Аризани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

13. Аккредитация гувоҳномасини бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Ариза ЯИДХП орқали тақдим этилганда, ариза берувчидан давлат хизматлари маркази орқали мурожаат этганда тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдоридан давлат божи ундирилади.

14. Аккредитация гувоҳномаси берилганлиги учун давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари маркази орқали мурожаат этилганда:

18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига;

қолган маблағлар – аккредитация қилувчи органнинг Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармасининг махсус ҳисобварағига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,25 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасидаги махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

қолган маблағлар – аккредитация қилувчи органнинг Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармасининг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун давлат божи тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

15. Хорижий тижорат ташкилотининг ваколатхонаси хорижий тижорат ташкилотининг хоҳишига кўра бир йилдан уч йилгача муддатга аккредитация қилинади (аккредитация муддати узайтирилади).

16. Хорижий тижорат ташкилоти томонидан тақдим этилган ваколатхонани аккредитация қилиш ёки аккредитация муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза аккредитация қилувчи орган томонидан беш иш куни мобайнида кўриб чиқилиб, аккредитация қилиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Хорижий тижорат ташкилоти аккредитация қилувчи органнинг ваколатхонани аккредитация қилиш тўғрисида ижобий қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида ушбу Низомнинг 13-бандида белгиланган тўловни амалга ошириши лозим. Тўлов амалга оширилмаган тақдирда, хорижий тижорат ташкилоти аккредитация қилувчи органга ушбу Низом талабларига мувофиқ аризани янгидан тақдим этади.

17. Қуйидагилар ваколатхонани аккредитация қилиш ёки аккредитация муддатини узайтиришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки улар белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумот келтирилганлиги;  
ваколатхона тўғрисидаги низомнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зидлиги;

аккредитация қилувчи орган томонидан хорижий тижорат ташкилоти ёки ваколатхона Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини бузганлиги тўғрисидаги маълумот аниқланганлиги.

Аризани такроран кўриб чиқишда аккредитация қилувчи орган томонидан аввалги рад этиш асосларида баён этилмаган сабабларнинг келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Хорижий тижорат ташкилоти аккредитация қилиш ёки унинг муддатини узайтиришнинг рад этилишидан норози бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

18. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади. Бунда давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов суммаси қайтарилмайди.

19. Ваколатхона ушбу Низомга 3-иловада кўрсатилган шаклга мувофиқ аккредитация гувоҳномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб очилган ҳисобланади.

20. Ўз ваколатхонаси фаолиятини давом эттиришдан манфаатдор бўлган хорижий тижорат ташкилоти аккредитация қилувчи органга аккредитация гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугашидан камида бир ой олдин ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ариза ҳамда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда мурожаат қилиши лозим.

21. Ваколатхонани аккредитация қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, аккредитация қилувчи орган ушбу Низомга 4-иловада кўрсатилган шаклга мувофиқ аккредитация гувоҳномасига қўшимча расмийлаштиради.

22. Аккредитация қилувчи орган аккредитация қилинган ваколатхоналар тўғрисидаги ахборотнинг бир кун муддатда ахборот тизимлари орқали марказий маълумотлар базасига киритилишини таъминлайди. Бунда ваколатхона бир вақтнинг ўзида жойлашган ҳудуди бўйича давлат солиқ хизмати органида ҳисобга қўйилади.

### **3-боб. Ваколатхона фаолиятини ташкил этиш**

23. Ваколатхона уни ташкил этган хорижий тижорат ташкилоти томонидан мол-мулк билан таъминланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилган ва хорижий тижорат ташкилоти раҳбари тасдиқлайдиган ваколатхона тўғрисидаги низом асосида фаолият кўрсатади. Бунда ваколатхона тўғрисидаги низомда назарда тутилмаган фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланади.

24. Ваколатхонага хорижий тижорат ташкилотининг белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномаси ва ўз ваколоти баён этилган ваколатхона тўғрисидаги низом асосида иш кўрувчи ваколатхона бошлиғи раҳбарлик қилади.

25. Ваколатхона бошлиғи аккредитация қилувчи органнинг сўровига мувофиқ хорижий тижорат ташкилоти ва ваколатхона фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

26. Ваколатхона ходимлари ҳам чет эл фуқароларидан, ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан иборат бўлиши мумкин. Бунда ваколатхонага меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қабул қилинадиган чет эл фуқароларининг улуши қирқ фоиздан ортиқ бўлмаслиги, бироқ беш кишидан ошиши мумкин эмас. Ваколатхонага ишга қабул қилинган хорижий фуқаролар аккредитация қилиниши керак.

27. Ваколатхонанинг хорижий ходимлари учун аккредитация карточкаси кейинчалик узайтирилиш имконияти билан ўн икки ой муддатга ёки ваколатхона аккредитация қилинган муддатдан, ишончнома муддатидан келиб чиққан ҳолда, белгилангандан кам муддатга берилади.

28. Ваколатхона бошлиғини аккредитация қилиш учун ариза аккредитация қилувчи органга хорижий тижорат ташкилоти томонидан, ваколатхона ходимларини аккредитация қилиш учун ариза хорижий тижорат ташкилоти ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ваколатхона бошлиғи томонидан берилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ушбу Низомга 5-иловада келтирилган намунавий шаклга мувофиқ ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган икки нусхадаги шахсий варақа;

паспорт (идентификацияловчи ID-картаси) нусхаси. Бунда ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан рўйхатга олинганлик тўғрисида маълумот бўлиши шарт;

ваколатхона бошлиғига берилган ишончнома ёки ходимни ваколатхонага ишга қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжат нусхаси.

29. Ариза аккредитация қилувчи орган томонидан беш иш куни мобайнида кўриб чиқилиб, аккредитация қилиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

30. Қуйидагилар ваколатхона ходимларини аккредитация қилишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки улар белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумот келтирилганлиги.

31. Аккредитация карточкаси ушбу Низомга 6-иловада келтирилган шаклга мувофиқ хорижий ходимга расмийлаштириб берилади.

32. Аккредитация қилинган хорижий ходимлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фақат аккредитация қилинган ваколатхонада Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг тасдиқномасини олмасдан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

33. Хорижий ходимларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатга берилади.

34. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ваколатхонага ишга қабул қилиши Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига мувофиқ расмийлаштирилади.

35. Аккредитация муддати тугаган ва узайтирилмаган хорижий ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, улар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этиши шарт.

36. Ваколатхона ўз эҳтиёжлари учун сарфланган қуйидаги харажатларни қоплаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга оширишга ҳақлидир:

ваколатни амалга ошириш харажатлари;

ваколатхона эҳтиёжлари учун товар-моддий бойликларни харид қилиш бўйича сарф-харажатлар;

ваколатхона ходимларининг иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар;

хизмат сафари харажатлари;

ижара, коммунал тўловлар ва солиқлар.

Ваколатхоналар қонунчиликда мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган маҳсулотларни рақамли маркировкалаш мақсадида маркировка кодларини тақдим этиш, шу жумладан, божхона омборларида ушбу маҳсулотларни рақамли маркировкалаш юзасидан хизматлар кўрсатиш учун ҳисоб-китобларни амалга оширишга ҳақлидир. Бунда мазкур ҳисоб-китоблар тижорат фаолияти сифатида қаралмайди.

37. Ваколатхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширади.

38. Ваколатхоналар ҳисоб-китобларни хорижий тижорат ташкилоти томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширадilar.

39. Қуйидагилар ваколатхонанинг миллий валютадаги маблағлари манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда айирбошлаган чет эл валютаси;

хорижий тижорат ташкилотининг ўз қарорига кўра ваколатхона ихтиёрида қоладиган Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги маблағлар.

#### **4-боб. Ваколатхона фаолиятини тугатиш**

40. Ваколатхона фаолияти:

аккредитация муддати тугаши билан хорижий тижорат ташкилоти ваколатхона аккредитациясини узайтириш тўғрисида мурожаат қилмаган тақдирда;

хорижий тижорат ташкилоти қарорига кўра;

суд қарорига кўра;

аккредитация қилган органнинг қарорига кўра, хорижий тижорат ташкилоти ёки ваколатхона томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан ваколатхонани аккредитация қилиш ёки аккредитация муддатини узайтириш шартлари бузилган ҳолларда;

аккредитация қилган органнинг қарорига кўра, ваколатхона томонидан унинг низомида назарда тутилмаган фаолият тури билан шуғулланиш ҳолатлари аниқланганда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатхонага эга бўлган хорижий тижорат ташкилоти тугатилганда – тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда – қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан тугатилади, унинг ўзгартирилиши, кўшиб юборилиши ва қўшиб олиниши бундан мустасно.

Ўзгартириш, кўшиб юбориш ва қўшиб олиш натижасида қайта ташкил этилган хорижий тижорат ташкилоти унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхонаси фаолиятини давом эттириш истагида бўлган тақдирда, аккредитация қилувчи органга ушбу Низомга 2-иловада назарда тутилган тартиб ва шаклда аккредитация гувоҳномасини қайта расмийлаштириш учун ариза топширади.

Аккредитация гувоҳномасини қайта расмийлаштириш учун давлат божи ундирилмайди.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳолларда ваколатхона фаолияти муддатидан олдин тугатилган тақдирда, ваколатхонани аккредитация қилиш ва ваколатхона учун аккредитация муддатини узайтириш учун тўланган давлат божи қайтарилмайди.

41. Хорижий тижорат ташкилоти ёки унинг ваколатхонаси хорижий тижорат ташкилотининг тугатилганлиги ёки қайта ташкил этилганлиги тўғрисида икки ҳафта муддатда аккредитация қилувчи органни хабардор қилиши шарт.

Хорижий тижорат ташкилотининг тугатилганлиги ёки қайта ташкил этилганлиги тўғрисида ваколатхона хабар қилганда ёки аккредитация қилувчи орган томонидан бу ҳақидаги маълумотлар мустақил аниқланган тақдирда, аккредитация қилувчи орган ваколатхонани хорижий тижорат ташкилоти тугатилган ёки қайта ташкил этилган кундан эътиборан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилади.

42. Хорижий тижорат ташкилоти аккредитация қилувчи органнинг ваколатхона фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

43. Аккредитация муддати тугаши билан, шунингдек, аккредитация қилувчи органнинг қарорига кўра ваколатхона фаолияти тугатилган ҳолларда, аккредитация қилувчи орган ваколатхонани қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

44. Аккредитация қилувчи орган ваколатхона фаолияти тугатилганлиги тўғрисида хабар олингандан сўнг бир кун муддатда:

тегишли маълумотларнинг марказий маълумотлар базасига киритилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасини хабардор қилади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоида**

45. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий  
тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини  
аккредитация қилиш ва уларнинг фаолият юритиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкилотларининг  
ваколатхоналарига аккредитация гувоҳномаларини расмийлаштириш  
ёки гувоҳномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ваколатхонасини очишдан манфаатдор бўлган хорижий тижорат ташкилоти	Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали: а) ваколатхонани аккредитация қилиш учун зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза юборади; б) аккредитация гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш учун зарур бўлган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза юборади.	Хоҳишига кўра  Ваколатхонага берилган аккредитация гувоҳномасининг амал қилиши муддати тугашидан бир ой аввал
2-босқич	Давлат хизматлари маркази, ЯИДХП	Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни автоматик равишда аккредитация қилувчи органга юборади.	Реал вақт режимида
3-босқич	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (аккредитация қилувчи орган)	1. Тегишли ҳужжатларни қабул қилади ва уларни кўриб чиқади. 2. Ваколатхонани аккредитация қилиш ёхуд рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. 3. Ваколатхонани аккредитация қилишни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин хорижий тижорат ташкилоти томонидан ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқади.	Ариза қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни ичида

<b>4-босқич</b>	Аккредитация қилувчи орган	<p>1. Агар ваколатхонани аккредитация қилиш бўйича ижобий қарор қабул қилинган бўлса, ариза берувчини бу ҳақда ҳабардор қилади ва давлат божини тўлаш учун ўз ҳисобварағининг реквизитларини тақдим этади.</p> <p>2. Агар ваколатхонани аккредитация қилиш рад этилган бўлса, ариза берувчига рад этишнинг аниқ сабаблари ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли муддат кўрсатилган ҳолда ҳабар қилади.</p>	Қарор қабул қилинган кун реал вақт режимида
<b>5-босқич</b>	Хорижий тижорат ташкилоти	Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун давлат божи тўланганлигини ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқлайди.	Маблағлар тушган кундан бошлаб бир иш куни давомида
	Аккредитация қилувчи орган	<p>1. Давлат божи тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланган тақдирда, ваколатхонани QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган аккредитация гувоҳномасини расмийлаштиради.</p> <p>2. Аккредитация гувоҳномаси расмийлаштирилгандан сўнг давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали топширади.</p>	Ваколатхона аккредитацияси учун тўлов аккредитация қилувчи орган ҳисобварағига тушгандан кейин

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий  
тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини  
аккредитация қилиш ва уларнинг фаолият  
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат  
ташкилотларининг ваколатхоналарига аккредитация  
гувоҳномаларини расмийлаштириш  
ПАСПОРТИ

1.	<b>Ҳужжат номи:</b>	Аккредитация гувоҳномаси
2.	<b>Ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):</b>	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият юретиши
3.	<b>Ариза берувчилар тоифаси:</b>	Хорижий тижорат ташкилоти
4.	<b>Ваколатли орган:</b>	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
5.	<b>Ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:</b>	<p><b>I. Аккредитация гувоҳномасини олиш учун:</b></p> <p><b>а) ариза.</b></p> <p>Аризада қуйидагилар кўрсатилади*:</p> <p>хорижий тижорат ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар (номи, келиб чиқиш мамлакати, мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий шакли, рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси рақами, таъсисчилари (иштирокчилари), манзили, устав жамғармаси, алоқа маълумотлари, фаолияти тарихи);</p> <p>хорижий тижорат ташкилоти фаолияти тўғрисидаги маълумотлар (ходимларининг умумий сони, фаолият тури, маҳсулот (товар) номенклатураси, сўнгги молия йилида товар (иш, хизмат) айирбошлаш ҳажми);</p> <p>хорижий тижорат ташкилоти раҳбарияти тўғрисидаги маълумотлар (Ф.И.О, фуқаролиги, алоқа маълумотлари);</p> <p>мавжуд шубба корхоналар, ваколатхоналар, филиаллар тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари, Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотлари билан амалий ва бошқа турдаги алоқалар, бажарилишига ваколатхона кўмаклашадиган шартномалар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса);</p>

	<p>ваколатхонани очиш муддати; ариза тўлдирувчи шахс тўғрисида маълумотлар (Ф.И.О., алоқа маълумотлари);</p> <p>б) тегишли чет давлат қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган хорижий тижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси);</p> <p>в) хорижий тижорат ташкилоти жойлашган мамлакатда унинг расмий равишда рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи, тегишли давлат органи томонидан берилган ҳужжат (давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки савдо реестридан кўчирма, савдо лицензияси);</p> <p>г) ваколатхона бошлиғига хорижий тижорат ташкилоти томонидан берилган паспорт (идентификация ID-картаси) маълумотлари ва унга берилаётган ваколатлар тўлиқ кўрсатилган ишончнома;</p> <p>д) хорижий тижорат ташкилоти раҳбарияти томонидан шахсий имзо ва ташкилот муҳри (агар мавжуд бўлса) билан тасдиқланган ваколатхона тўғрисидаги низом.</p> <p><b>II. Аккредитация гувоҳномаси муддатини узайтириш учун:</b></p> <p><b>а) ариза.</b> Аризада қуйидагилар кўрсатилади*: хорижий тижорат ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар; хорижий тижорат ташкилоти раҳбарияти тўғрисидаги маълумотлар; мавжуд шуъба корхоналар, ваколатхоналар, филиаллар тўғрисидаги маълумотлар; ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотлари билан амалий ва бошқа турдаги алоқалар, бажарилишига ваколатхона кўмаклашадиган шартномалар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса); ваколатхонанинг аккредитация муддатини узайтириш муддати;</p>
--	--

		<p>ариза тўлдирувчи шахс тўғрисида маълумотлар (Ф.И.О., алоқа маълумотлари).</p> <p>б) хорижий тижорат ташкилоти томонидан ваколатхона бошлиғига унинг паспорт (идентификация ID-картаси) маълумотлари ва унга берилган ваколатлар тўлиқ кўрсатилган ишончнома (аккредитация қилувчи органга илгари тақдим этилган ишончноманинг муддати ўтган тақдирда);</p> <p>в) ваколатхонанинг фаолияти тўғрисидаги маълумот (почта манзили, алоқа маълумотлари, ваколатхона ходимларининг паспорт (идентификация ID-картаси) маълумотлари, хорижий тижорат ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги асосий ташқи иқтисодий фаолияти натижалари, хусусан, инвестициялар оқими, имзоланган келишув, шартнома, контрактлар бўйича маълумотлар, маҳаллий ҳамкорлар тўғрисида маълумотлар, хайрия-ҳомийлик тадбирларида иштироки тўғрисида маълумотлар);</p> <p>г) ижара шартномасининг ёки эгаллаб турган бинога ҳуқуқни тасдиқловчи бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартнома нусхаси.</p>
6.	<b>Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:</b>	Йиғим ундирилмайди
7.	<b>Ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:</b>	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат божи ундирилади.
8.	<b>Аризани кўриб чиқиш муддати:</b>	Беш иш куни
9.	<b>Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:</b>	Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятини амалга ошириш
10.	<b>Ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:</b>	Мавжуд эмас
11.	<b>Ҳужжатнинг амал қилиш муддати:</b>	1 йилдан 3 йилгача

12.	Изоҳ:	<p>Ушбу Паспортнинг 5-бандида назарда тутилган ҳужжатлар:</p> <p>нотариал тасдиқланган ҳолда давлат тилида ёки рус тилида тақдим этилиши;</p> <p>хорижий тижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилган давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида, у мавжуд бўлмаган тақдирда эса хорижий тижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилган давлатнинг ташқи ишлар органларида, ушбу давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида белгиланган тартибда легаллаштирилиши, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаментида тасдиқланиши керак.</p> <p>Агар ушбу ҳужжатларга 1961 йил 5 октябрдаги хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Гаага Конвенциясига мувофиқ апостиль қўйилган ёхуд ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тузилган ҳолда тақдим этилган бўлса, легаллаштириш талаб этилмайди.</p> <p>Агар ушбу Паспортнинг 5-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг бир қисми хорижий тижорат ташкилоти рўйхатдан ўтган давлатнинг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, хорижий тижорат ташкилоти аккредитация қилувчи органга хорижий тижорат ташкилоти таъсис этилган мамлакатнинг Ташқи ишлар вазирлиги ёхуд мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхонасининг тасдиқномасини тақдим этади.</p> <p>Ушбу Паспортнинг 5-бандида назарда тутилган ҳужжатлар улар берилган ёхуд тузилган кундан бошлаб олти ой муддатдан кечиктирмасдан, аккредитация қилувчи органга тақдим этилиши лозим.</p> <p>Ариза берувчилар аккредитация қилувчи органга юборилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир.</p>
-----	-------	--

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий  
тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини  
аккредитация қилиш ва уларнинг фаолият  
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

# AKKREDITATSIYA GUVOHNOMASI

# CERTIFICATE OF ACCREDITATION

\_\_\_\_\_-son  
kk/oo/yyyy

No \_\_\_\_\_  
dd/mm/yyyy

*O'zbekiston Respublikasi Investitsiyalar, sanoat va savdo  
vazirligi*

*Ministry of Investment, Industry and Trade of the Republic  
of Uzbekistan hereby permits*

“ \_\_\_\_\_ ”  
(mamlakat nomi) (korxonona nomi)  
\_\_\_\_\_ga  
(tashkiliy-huquqiy shakli)

“ \_\_\_\_\_ ”  
(organizational legal form)  
\_\_\_\_\_ (company name) \_\_\_\_\_ (country name)

*nomi bilan o'z vakolatxonasini ochishga ruxsat beradi.*

*to open its representative office in the Republic  
of Uzbekistan by the name*


*Vakolatxona o'z faoliyatini O'zbekiston Respublikasining  
qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshiradi.*

“ \_\_\_\_\_ ”

*The Representative office carries out its activities in  
accordance with the legislation of the Republic  
of Uzbekistan.*

*Mazkur guvohnoma \_\_\_\_\_ gacha haqiqiy deb  
hisoblanadi.* kk/oo/yyyy

*This certificate is valid until \_\_\_\_\_.*  
dd/mm/yyyy



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий  
тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини  
аккредитация қилиш ва уларнинг фаолият  
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

AKKREDITATSIYA  
GUVOHNOMASIGA  
QO'SHIMCHA

ADDITION TO  
CERTIFICATE OF  
ACCREDITATION

\_\_\_\_\_-son  
kk/oo/yyyy

№ \_\_\_\_\_  
dd/mm/yyyy

*O'zbekiston Respublikasi Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi*

*Ministry of Investment, Industry and Trade of the Republic  
of Uzbekistan extends the period of Certificate  
of Accreditation of Representative office of*

“ \_\_\_\_\_ ”  
(mamlakat nomi) (korxonona nomi)  
\_\_\_\_\_ga  
(tashkiliy-huquqiy shakli)  
“ \_\_\_\_\_ ”

“ \_\_\_\_\_ ”  
(organizational legal form)  
\_\_\_\_\_ (company name) \_\_\_\_\_ (country name)  
by the name “ \_\_\_\_\_ ”

*nomli vakolatxonasini ochish uchun berilgan guvohnoma  
muddatini uzaytiradi.*

*The Representative office carries out its activities in accordance  
with the legislation of the Republic of Uzbekistan.*

*Vakolatxona o'z faoliyatini O'zbekiston Respublikasining  
qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshiradi.*

*Pursuant to this Certificate the validity of activities of the  
Representative office*

*Mazkur guvohnomaga asosan vakolatxonaning faoliyat muddati  
\_\_\_\_\_ yilgacha uzaytirildi.*

*prolonged up to \_\_\_\_\_.*  
dd/mm/yyyy

kk/oo/yyyy

QR-code

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий  
тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини  
аккредитация қилиш ва уларнинг фаолият  
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкилотларининг  
ваколатхоналари ходимларини аккредитация қилиш учун тўлдириладиган  
**ШАХСИЙ ВАРАҚА**

**Шахсий маълумотлар**

(бош ҳарфлар билан паспортда  
(идентификацияловчи ID-картасида)  
кўрсатилганидек)

Фамилияси: \_\_\_\_\_

Исми: \_\_\_\_\_

Туғилган санаси: \_\_\_\_\_

Туғилган жойи: \_\_\_\_\_

Фуқаролиги: \_\_\_\_\_

Паспорт (идентификацияловчи ID-картаси)

рақами: \_\_\_\_\_

Лавозими: \_\_\_\_\_

Манзили: \_\_\_\_\_

Расм охириги 6 ойлик  
бўлиши шарт  
(3.5 x 4.5 см)

**Боғланиш учун маълумотлар**

(Ўзбекистон Республикасида)

Манзили (туман, кўча, уй рақами):

\_\_\_\_\_

Телефон рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

**Изоҳ:**

- Илова қилинган барча ҳужжатлар ҳаққоний ва яхши кўринган бўлиши шарт.
- Фотосуратда ҳеч қандай зарар ёки ифлосликлар, фон ёруғлиги ёки юзнинг сояси бўлмаслиги керак. Юз барча хусусиятлар аниқ кўринадиган ва табиий тери ранги билан фотосуратда марказлаштирилган бўлиши керак.

## APPLICATION FORM

### Personal data

(in BLOCK letters as appeared in the passport (ID-card))

Family name: \_\_\_\_\_

First name: \_\_\_\_\_

Date of birth: \_\_\_\_\_

Place of birth: \_\_\_\_\_

Current nationality: \_\_\_\_\_

Passport (ID-card) number: \_\_\_\_\_

Representative position: \_\_\_\_\_

Address: \_\_\_\_\_

Please attach  
photographs  
taken within  
the last 6 months  
front view  
(3.5 x 4.5 cm)

### Contact data

(In the Republic of Uzbekistan)

Address (district, street, house number):

\_\_\_\_\_

Telephone number: \_\_\_\_\_

E-mail: \_\_\_\_\_

### Note:

*1. All documents should be valid and legible.*

*2. The photo should have no damage or impurities, no background light or shadow over face. The face should be centered in the photo with all the features clearly visible and natural skin tone.*


Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий  
тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини  
аккредитация қилиш ва уларнинг фаолият  
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга  
6-илова

**Хорижий ходимнинг аккредитация карточкаси намунаси**

(олд томони)

	<b>Ўзбекистон Respublikasi</b> <b>Investitsiyalar, sanoat va savdo</b> <b>vazirligi</b>	
	<b>Ministry of Investment, Industry and Trade</b> <b>of the Republic of Uzbekistan</b>	
	<b>Akkreditatsiya</b> <b>kartochkasi</b> № <input type="text"/>	<b>Accreditation</b> <b>card</b>
	Ismi: Name:	
	Mansabi: Job:	
	Berilgan sanasi/date of issue	Validity until
	gacha haqiqiydir	

(орқа томони)

	<b>O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI</b> <b>THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN</b>	
		
		

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “7” февралдаги 76-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2000 йил 23 октябрдаги 410-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий тижорат ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2011 йил 28 октябрдаги 290-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2017 йил 14 июлдаги 499-сон қарорига илованинг 13-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2020 йил 10 августдаги 472-сон қарорига 1-илованинг 1-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 4 сентябрдаги 539-сон қарорига 3-илованинг 1-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2022 йил 2 апрелдаги 149-сон қарорига 7-илованинг 1-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2022 йил 1 ноябрдаги 631-сон қарорига 6-илованинг 1-банди.

